

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАДАМИНОВА НАРГИЗА ЗУХРИДИНОВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА
ДИНШУНОСЛИККА ОИД БИЛИМЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01-Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Мадаминава Наргиза Зухридиновна

Олий таълим муассасалари талабаларида диншуносликка оид билимларни
ривожлантиришнинг педагогик жиҳатларини такомиллаштириш.....3

Мадаминава Наргиза Зухридиновна

Совершенствование педагогических аспектов развития знаний по
религиоведению у студентов высших образовательных учреждений.....23

Madaminova Nargiza Zukhridinovna

Improving the pedagogical aspects of the development of knowledge of religious
studies in students of higher education.....42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАДАМИНОВА НАРГИЗА ЗУХРИДИНОВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА
ДИНШУНОСЛИККА ОИД БИЛИМЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01-Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped302 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.iiu.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қаҳҳорова Матлюба Мановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Акрамова Шахноза Абборовна
педагогика фанлари доктори, профессо

Йўлдошхўжаев Хайдархон Хошимханович
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 рақамли илмий кенгаш асосида Бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида, БИММ платформасида онлайн бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй.) Тел.: (99871) 244 94 70; факс: (99871) 244-00-65; e-mail: info@iiu.uz. Ўзбекистон халқаро ислом академияси).

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй.) Тел.: (99871) 244-00-91; факс: (99871) 244-00-65; e-mail: info@iiu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Ш.А.Ёвқочев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
сиёсий фанлар доктори, профессор

Д.А.Рахимджанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, филология фанлари доктори, доцент

З.М.Исламов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги семинар раиси, филология фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган глобаллашув ҳамда диннинг сиёсийлашуви жараёнида диний-маърифий соҳадаги фаолият самарадорлигини ошириш ва малакали кадрлар тайёрлашда диншуносликка оид билимларни ривожлантириш принциплари таълим жараёнига татбиқ этилган. 2018 йил 12 декабрда Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг ялпи мажлиси томонидан муҳим бир ҳужжат – “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси қабул қилинди¹. Мазкур резолюцияга асосан таълим, фан ва маданиятни ривожлантириш орқали жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, замонавий таълим тизимида бўлажак мутахассисларни инновацион педагогик технологиялар воситасида диншуносликка оид билим, кўникма ва малакаларни чуқур ўзлаштиришларига доир йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳоннинг илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг тарихий, социал, фалсафий, психологик жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Москва давлат университети, Оксфорд, Гарвард, Лейбциг ва Гёте университетларида диншунослик, исломшунослик йўналишларининг педагогик жиҳатларини такомиллаштириш, халқаро тажрибалар асосида диний ва дунёвий тафаккурни шакллантириш, диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг педагогик компонентларини такомиллаштириш жараёнининг илмий ечими бўйича тизимли ишларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш, талабаларнинг диншуносликка оид билимларини илғор педагогик технологиялар асосида ривожлантириш, моддий техника базани кенгайтиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди. Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирларида “таълим муассасаларида ёшлар ўртасида мафкуравий иммунитет, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни шакллантириш, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишни олдини олишга қаратилган тарғиботнинг таъсирчан усуллари жорий этиш”² устивор вазифалар этиб белгиланди. Бу эса диншуносликка оид билимларни ривожлантириш, ёшларда динга оид соғлом тафаккурни шакллантириш, унинг дидактик, аксиологик ва акмеологик мазмунини такомиллаштиришни ўз ичига олган ижтимоий-педагогик тадқиқотларга бўлган заруратни янада кучайтиради.

¹ Resolution adopted by the General Assembly on 12 December 2018. <http://undocs.org/pdf?symbol=en/A/RES/73>.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ”Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сон фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги, 2017 йил 15 декабрдаги “Ўзбекистон ислом академиясини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3433-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диннинг тарихий, социал, психологик жиҳатлари хорижлик олимлар К.V.Greene, Gudron Kramer, Э.Дрюкгейм, N.Krause, Л.Леви-Брюль, Marta Axner, Э.Ренан, Дж.Фрээр, З.Фрейд, Г.Юнгл³ томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ мамлакатларида диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг фалсафий ва психологик масалаларига доир айрим жиҳатлари З.А.Абдурашидова, Т.И.Борко, О.Р.Зайцева, О.Н.Изотова, Б.Н.Мазур, И.В.Метлик, Д.О.Смирновлар⁴нинг илмий-тадқиқот ишларида ёритиб берилган.

Диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари республика олимларидан И.Каримов, М.М.Қаҳҳорова, дин, диний эътиқод, диний маърифат каби хусусиятлари С.С.Абдуллаев,

³ Greene K.V. and Yoon B.J. Religiosity, economics and life satisfaction // Review of Social Economy, vol. 62, no. 2, pp. 245–273, Gudron Kramer Geschichte des Islam. – Munchen.: 2005. - 327 pg.; 2004; Дрюкгейм Э. Элементарные формы религиозной жизни: тотемическая система в Австралии. – М.: Дело, 2018. - 736 с.; Krause N. Religious doubt and psychological well-being: a longitudinal investigation // Review of Religious Research, vol. 47, no. 3, pp. 287–302, 2006; Леви-Брюль Л. Сверхъестественное в первобытное мышление. – М.: Педагогика-Пресс, 1994. - 608 с.; Marta Axner. Doctoral Theses. Public religions in Swedish media: A study of Religious Actors on Three Newspaper Debate Pages 2001-2011. – Uppsala universitet, Teologiska institutionen: 2013; Юнг Г. Архитеп и символ. – М.: 1991. - 326 с.; Ренан Э. Жизнь Иисуса. – М.: Вся Москва, 1990. - 336 с.; Фрээр Дж. Золотая ветвь исследование магии религии. Перевод Токерев С.А. – М.: 2003. - 756 с.; Фрейд З. Психоанализ, религия, культура. – М.: Ренессанс, 1992. - 304 с.; Юнг Г. Архетип и символ. – М.: Ренессанс, 1991.- 300 с.

⁴ Абдурашидова З.А. Религиоведческий анализ мистицизма (на примере исихатской и суфийской традиций). Автореферат дисс. ... канд. филос. наук. – М.: 2011. - 30 с.; Борко Т.И. Эволюция мифа: на пути становления религиозного мировоззрения. Дисс. ... док. филос. наук. – Тюмень.: 2006. - 345 с.; Зайцева О.Р. Религиозное воспитание учащихся в современной школе Германии. Автореферат дисс. ... канд. пед. наук. – Москва.: 2005. - 21 с., Изотова О.Н. Иконопочитание в контексте византийской религиозности IX-X века по данным агиографических источников. Автореферат дисс. ... канд. филос. наук. – М.: 2017. - 27 с.; Мазур Б.Н. Религиозное самосознание как фактор социальной интеграции современных и мусульманских философов. Автореферат дисс. ... канд. филос. наук. – Душанбе.: 2014. - 26 с.; Метлик И.В. Формирование мировоззрения старшеклассников в процессе освоения религиоведческих знаний. Дисс. ... канд. пед. наук. – Москва.: 2005. - 153 с., Смирнов Д.О. Религиозная активность в структуре интегральной индивидуальности. Дисс. ... канд. психол. наук. – Перм.: 2001. - 186 с.

Ж.К.Байалиев, А.А.Байназарова, Ш.А.Ёвқочев, Э.Ф.Ибрагимов, К.С.Камилов, У.Р.Кушаев, З.М.Хусниддиновлар⁵нинг тадқиқотларида таҳлил этилган.

Педагог олимлардан Ш.А.Акрамова, М.Э.Ахмедова, Г.Зарипова, А.Исманова, О.Мусурмонова, М.Е.Пазилова, З.Т.Салиева, Н.М.Эгамбердиева ҳамда К.Ю.Қиличова⁶лар томонидан муаммонинг ижтимоий-педагогик, акмеологик жиҳатлари ўрганилган.

Юқорида келтирилган илмий изланишларда диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари ўрганилган бўлса-да, бироқ кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш шароитида олий таълим муассасалари талабаларида диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг педагогик жиҳатларини такомиллаштириш масаласи махсус тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИОТ-2014-1-41 рақамли “Ёшларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни миллий кадриятлар негизида шакллантириш йўналишидаги тадқиқотлар илмий натижалари асосида мультимедиа ўқув қўлланмасини яратиш” (2014-2015 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасалари талабаларида диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг педагогик жиҳатларини такомиллаштиришдан иборат.

⁵ Каримов И. Имон ва маслак тарихи. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – 212 б.; Қахҳорова М.М. Жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит: муаммо ва ечимлар. фал.фан.док ... дисс. – Т.: 2012. - 286 б.; Абдуллаев С.С. Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги ва ислом. Фал.фан.ном. ... дисс. – Т.: 2002. - 150 б.; Байалиев Дж.К. Глобаллашув шароитида диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро таъсири. Фал.фан.ном. ... дисс. автореферати, - Т.: 2011, - 28 б.; Байназарова А.А. Ислом фалсафасида диний ва дунёвий илмлар уйғунлиги. Фал.фан.ном. ... дисс. - Т.: 2009, - 179 б.; Ёвқочев Ш.А. Политизация религии и проблема религиозного экстремизма. Дисс. ... кан.полит.наук. – Т.: 1993.; Ибрагимов Э.Ф. Ўзбекистонда Христиан конфессиялари фаолияти ва уларнинг диний бағрикенглик анъаналари шаклланишида тутган ўрни. Фал.фан.ном. ... дисс. – Т.: 2009, -158 б.; Кушаев У.Р. Жаҳон динларида бағрикенглик масалалари. Фал.фан.док. (DSc) дисс. ... автореферати – Т.: 2017. - 79 б.; Хусниддинов З.М. “Ўзбекистонда диний бағрикенглик мустаҳкамлаш муаммолари”. Фал.фан.ном. ... дисс. – Т.: 2000. - 150 б.; Камилов К.С. Глобаллашув шароитида диний соҳа ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари. Фал.фан.ном. ... дисс. - Т.: 2012. - 154 б.

⁶ Акрамова Ш.А. Бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантириш пед. фан. док. ... дисс. автореферати. – Т.: 2017. -69 б.; Ахмедова М.Э. Педагогика тарихини ўқитишда талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш. Пед.фан.ном. ... дисс. – Т.: 2008, - 166 б.; Зарипова Г.К. Нақшбандия тариқатида таълим-тарбиянинг ўзига хос педагогик технологияси. Пед.фан.ном. ... автореферати. – Т.: 2010. - 25 б.; Исманова А.А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактика тизимини такомиллаштириш (Ўрта махсус касб ҳунар таълими тизимида). Пед.фан.ном. ... дисс. автореферати. – Т.: 2017. - 53 б.; Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари. Пед.фан.док. ... дисс. – Т.: 1993. - 364 б.; Пазилова М.Е. Ўқувчи маънавиятини ҳадислар воситасида шакллантиришнинг педагогик асослари (“Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” ва “Дунё динлари тарихи” ўқув фанлари мисолида). Пед.фан.ном. ... дисс. – Т.: 2004. - 188 б.; Салиева З.Т. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш. Пед.фан.док. ... дис. автореферати. – Т.: 2017. - 66 б.; Эгамбердиева Н.М. Маданий инсонпарварлик ёндашуви асосида талабаларни шахсий ҳамда касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти (педагогика олий таълим муассасалари мисолида). Пед.фан.док. ... дисс. – Т.: 2010. - 332 б.; Қиличова К.Ю. Олий таълим тизимида тасаввуф таълимоти воситасида талабалар маънавиятини шакллантириш. Пед.фан.док. дисс. ... – Т.: 2009. - 263 б.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим муассасалари талабаларида диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

диншуносликка оид билимларни ривожлантиришда оила, таълим муассасаси ва диний ташкилотлар ҳамкорлигининг ижтимоий-педагогик имкониятларини аниқлаш;

талабаларда диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг такомиллаштирилган моделини ишлаб чиқиш;

ёшларда ғоявий таҳдидларга қарши курашувчанлик иммунитетини ривожлантириш билан умуминсоний қадриятлар тизимининг алоқадорлигини асослаш;

олий таълим муассасалари талабаларида диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг самарали усулларини ёритиб бериш;

диншуносликка оид билимларни ривожлантиришга доир тажриба-синов ишлари самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти – олий таълим муассасалари талабаларида диншуносликка оид билимларини ривожлантиришнинг педагогик жиҳатларини такомиллаштириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети – олий таълим муассасалари талабаларида диншуносликка оид билимларни педагогик жиҳатларини ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид фалсафий, тарихий, социологик, педагогик-психологик адабиётларни қиёсий ўрганиш ва контент таҳлил қилиш, кузатиш, социометрик (сухбат, анкета, сўровнома, тест), педагогик эксперимент, натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

диншуносликка оид билимларнинг педагогик-психологик хусусиятлари талабаларда диний ва илмий дунёқараш параметрларини аниқлаштириш, матнларни таққослаш, зиддиятлиликни аниқлаш кўникмаларини илмий, ақлий, нақлий ва ҳиссий билиш шаклларининг қиёсий таҳлили асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг диншуносликка оид билимлари “оила–олий таълим муассасалари–диний ташкилотлар” ҳамкорлиги жараёнини, катта авлод вакиллари, педагог, диний соҳа мутахассислари ҳаётий тажрибаси ҳамда интеллектуал салоҳиятидан фойдаланишни педагогик лойиҳалаш асосида ривожлантирилган;

ёшларда соғлом дунёқарашни шакллантиришда ҳамда ғоявий таҳдидларга қарши курашувчанлик иммунитетини кучайтиришда умуминсоний қадриятлар тизимини мустаҳкамлаш зарурати асосланган;

талабаларда диншуносликка оид билимларни эмоционал интеллект орқали ривожлантиришда (фуқаролик, касбий ва ахлоқий ўзини ўзи англаш) тарбия усуллари позитив интеграциялашув асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабаларда диншуносликка оид билимларни ривожлантиришга доир диншунослик фанидан методик таъминот, жумладан, ишчи ўқув фан дастурлар ва ўқув-услугий мажмуа такомиллаштирилган;

талабаларда диншуносликка оид билимларни ривожлантиришга доир диншунослик фанидан маъруза ҳамда семинар машғулоти ишланмаси яратилган;

“Диншунослик” фанидан мустақил таълимга оид услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган;

“Диншунослик” фанини ўқитишда фойдаланиш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган электрон таълим ресурслари яратилган ва амалиётда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган ёндашув ва методикалар, фойдаланилган назарий ҳамда амалий ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалар олий таълим муассасалари фаолиятини мазмунан бойитишга, олий таълим муассасаларида “Диншунослик” фанини ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилиб, талабаларнинг диний ва дунёвий тафаккурини ривожлантиришга оид назарий ёндашувлар билан бойитилганлиги, халқаро хорижий тажрибалар асосида олий таълим муассасалари талабаларида диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг мазмун-моҳияти, технологиялари ёритилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича дарслик, ўқув қўлланма, фан дастурлари тайёрлашда, диссертацияда илгари сурилган фикрлар ва ғоялардан олий таълим муассасаларида таълим-тарбия мазмунини бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасалари талабаларида диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг педагогик жиҳатларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

диншуносликка оид билимларнинг педагогик-психологик хусусиятлари талабаларда диний ва илмий дунёқараш параметрларини аниқлаштириш, матнларни таққослаш, зиддиятлиликни аниқлаш кўникмаларини илмий ақлий, нақлий ва ҳиссий билиш шакллариининг қиёсий таҳлили асосида такомиллаштирилганига оид таклифлар Педагогика таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандартлари ва малака талаблари мазмунига сингдирилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 мартдаги 89-03-1131-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим муассасалари

талабаларида диншуносликка оид билимларни ривожлантириш жараёнлари самарадорлигини оширишга эришилган.

талабаларнинг диншуносликка оид билимлари “оила–олий таълим муассасалари–диний ташкилотлар” ҳамкорлиги жараёнини, катта авлод вакиллари, педагог, диний соҳа мутахассислари ҳаётий тажрибаси ҳамда интеллектуал салоҳиятидан фойдаланишни педагогик лойиҳалаш асосида ривожлантирилганлигига оид таклифлардан “2020 йилда диний-маърифий соҳада ёшларга оид давлат дастурини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури”ни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 18 майдаги 2856-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим муассасалари талабаларининг диншуносликка оид билимларини ривожлантиришнинг миллий-тарбиявий жиҳатларини кенгайтириш имкониятини оширган;

талабаларда динга оид соғлом дунёқарашни шакллантириш ҳамда ғоявий таҳдидларга қарши курашувчанлик имкониятларини кенгайтиришга асосланган диншуносликка оид билимларни ривожлантириш моделининг амалий компоненти диний ва инсонпарвар кадриятлар тизимини ўзаро уйғун таркиб топтириш алгоритмининг (босқичлари, мазмуни, натижавийлиги) аудиториядан ташқари машғулотлар билан бевосита қайта алоқаси интенсивлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилганига оид таклиф ва тавсиялардан 2014-2015 йилларда бажарилган ИОТ-2014-1-41 рақамли “Ёшларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни миллий кадриятлар негизида шакллантириш йўналишидаги тадқиқотлар илмий натижалари асосида мультимедиа ўқув қўлланмасини яратиш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 89-03-4236-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар ёшлар ҳаётига таъсир этувчи салбий мафкуравий ва информацион хуружларга қарши иммунитетни шакллантиришга доир ишларнинг самарали йўлга қўйилишига муносиб ҳисса қўшган.

талабаларда диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг хусусий ва ташкилий методик компонентлари эмоционал интеллектни таркиб топтиришда фуқаролик, касбий ва ахлоқий ўз-ўзини англаш каби тарбия усулларининг ўзаро интеграциясини таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялардан 2014-2015 йилларда бажарилган ИОТ-2014-1-41 рақамли “Ёшларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни миллий кадриятлар негизида шакллантириш йўналишидаги тадқиқотлар илмий натижалари асосида мультимедиа ўқув қўлланмасини яратиш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 89-03-4236-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим муассасалари талабаларининг диншуносликка оид билимларини ривожлантиришга доир такомиллаштирилган ўқув ресурсларини яратишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 15 та республика ҳамда 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 таси мақола, жумладан, 6 таси республикада ва 4 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, 8 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 146 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ҳамда унинг ишончлилиги баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этирилган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари талабаларида диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида олий таълим муассасалари талабаларида дунёвий ва диний билимлар уйғунлигини таъминлаш ижтимоий зарурат эканлиги, диншуносликка оид билимлар мазмунидаги педагогик-психологик хусусиятлар ҳамда талабаларда диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг назарий ва амалий ҳолати, шунингдек, хорижий тажрибалар таҳлил қилинган.

Таҳлил жараёнида мавзуга оид илмий-назарий, тарихий, социологик, фалсафий, диний, илм-фан, таълим, маданиятга оид манбалар ҳамда юртимизда қабул қилинган қарорлар, фармонлар мазмуни ўрганилди.

Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий соҳалардаги янгиланиш жараёнлари, диний-маърифий соҳадаги фаолият самарадорлигини ошириш, малакали кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини яратиш, миллий ғоянинг умуминсоний тамойилларини фуқаролар онгига сингдириш муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги воқеликда бутун инсониятни хавотирга солаётган улкан муаммолар, яъни экстремизм, терроризм, миссионерлик, прозелитизм ҳамда “оммавий маданият”, зўравонлик вируси каби таҳдидларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишда жаҳолатга қарши маърифат стратегияси ижобий самара беради.

Бу, энг аввало, ёш авлод онгида миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш, соғлом турмуш тарзини таъминлаш, дунёвий ва диний билимларни уйғунлаштириш олий таълим муассасалари талабаларида диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг педагогик жиҳатларини такомиллаштириш масаласини педагогик нуқтаи назардан тадқиқ этиш, илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган хулосаларни ишлаб чиқишни янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Тадқиқот жараёнида мазкур муаммонинг турли жиҳатлари педагог, психолог, файласуф, тарихчи ва социолог олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилганлиги таҳлил қилинди.

Диссертацияда дин моҳиятига кўра жамиятнинг барометри эканлиги, у инсонларда таълим-тарбия ва ахлоқ даражасини меъёрлаштириши, дин тўғрисидаги дастлабки тушунчалар, аввало, оилада шаклланиши, таълим жараёнида эса ривожлантирилиши аниқланди.

Кейинги йилларда ижтимоий фанларни оптималлаштириш жараёни жадал ривожланди. Шунинг билан олган ҳолда “Диншунослик” фанини ўқитишда кўпроқ ижтимоий-гуманитар фанлар узвийлигида, динийлик ва дунёвийлик конвергенцияси асосида таълим бериш шахсда ташқаридан бўладиган турли ҳодиса ва воқеликларга нисбатан иммунитетнинг шаклланишига омил бўлади, деган хулосага келинди.


Тадқиқот доирасида талабаларда диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг педагогик-психологик омиллари таҳлил қилинди. Психологик омиллар интеллектуал, эмоционал ва мотивацион соҳалар билан алоқадорликда таҳлил этилиб, талабаларнинг диншуносликка оид билимларини ривожлантиришда мотив, мақсад, ҳис-туйғулар, шахслик сифатлари, рефлексиянинг ўрни тадқиқ этилди. Педагогик омилларга эса миллий тарбия, тарбия парадигмалари, ахборот истеъмолчи маданияти, деонтологик тайёргарлик кабилар киритилди.

Диншуносликка оид билимларнинг педагогик-психологик хусусиятлари талабаларда диний ва илмий дунёқараш параметрларини аниқлаштириш, матнларни таққослаш, зиддиятлиликни аниқлаш кўникмаларини илмий, ақлий, нақлий ва ҳиссий билиш шаклларида қиёсий таҳлили асосида такомиллаштирилди.

Соғлом диний эътиқодни қарор топтиришда оила муҳитини соғломлаштириш, миллий ва диний қадриятлар моҳиятини катта авлоднинг ибрат-намунаси орқали ёшлар онгига сингдириш, олий таълим муассасаси, диний ташкилотлар (Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, зиёратгоҳлар, конфессиялар) ҳамкорлигини ташкил этиш масаласига аҳамият қаратилди.

Тадқиқот ишида диншуносликка оид билимларни ривожлантиришда “оила–олий таълим муассасалари–диний ташкилотлар”нинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда витаген таълимнинг (ҳаётий тажриба, ибрат-намуна) когнитив фаолиятга таъсир этувчи асосий омил эканлиги эмпирик

баҳолаш асосида далилланди ва такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Талабларда диншуносликка оид билимларни ривожлантиришда “Оила-олий таълим муассасалари-диний ташкилотлар” ҳамкорлигини белгилаб берувчи вазифалар

Тадқиқот иши давомида диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг бугунги ҳолати хориж тажрибаси асосида қиёсий таҳлил этилди. Дунё тажрибаси, бугунги кундаги оламнинг мафкуравий аҳволидан келиб чиқиб, диншунослик соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларга таянган ҳолда ўқув адабиётларини яратиш таълим сифатини оширишда долзарблик касб этиши асосланди.

Тадқиқотда динга доир қабул қилинган қарор ва фармонлар мазмун-моҳиятини диний манбалар билан қиёсий таҳлил қилган ҳолда талаба-ёшлар онгига сингдириш уларда диншуносликка оид билимларнинг ривожланишига асос бўлиши кўрсатилган.

Ижтимоий фанлар, хусусан, диншуносликни ўқитишда кўхна Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг дин ва диншуносликка доир илмий-теологик ғояларини ўрганиш шахсни миллий ва умуминсоний кадриятларга хурмат руҳида тарбиялашда назарий-педагогик аҳамиятини оширади.

Халқ педагогикасининг дидактик имкониятлари ёшларга билим ва амалий кўникмалар беришда уларни ижодий ишлаш услублари билан куруллантириш, дунёқарашини ўстириш, ахлоқий нафосат ғояларини эгаллашларида қўлланган эмпирик тажриба замонавий таълим жараёни сифатини оширади, деган хулосага келинди.


Диссертациянинг иккинчи боби **“Талабаларда диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг педагогик асослари”** деб номланиб, мазкур бобда талабаларда диншуносликка оид билимларни ривожлантириш мазмуни, метод ва воситалари ҳамда таълимни ахборотлаштириш шароитида талабаларда диншуносликка оид билимларни ривожлантириш масалалари ҳақида фикр юритилган.

Бугунги таълим жараёнининг фундаментал асоси ўз касбига нисбатан профессионал ва акмеологик ёндашувга техник воситаларни мақсадли қўллашни талаб этади. Жаҳон педагогик тажрибасида талаба-ёшларни ўқув фанларига қизиқтириш ва фаоллигини оширишда замонавий педагогик технологиялар асосида билим бериш имконияти чексиз экани ўз тасдиғини топган. Таълим технологиясининг асосий муаммоси таълим олувчи шахсини фаоллаштириш орқали кўзланган мақсадга эришиш ҳисобланади.

Ижтимоий фанлар – фалсафа, тарих, маданиятшунослик, социология ва ҳоказо фанларни ўқитишда амалда бўлган замонавий педагогик технологияларнинг аксариятини қўллаш мумкин. Аммо замонавий педагогик технологияларни “Диншунослик” фанида дин инсоннинг руҳий ҳолати билан боғлиқ жараён эканини ёдда сақлаган ҳолда қўллаш лозим бўлади. Талаба-ёшларга, аввало, дин, илоҳий туйғу-ҳиссиёт сифатида уни ўрганиш инсонда ҳалоллик, адолат, поклик, ўзаро хурмат, бағрикенглик, гуноҳ ва савоб тушунчаси, унга эга бўлиш кўникмасини ҳосил қилишда диний ва дунёвий билимлар шаклий механизмини яратиш ва амалиётга жорий этиш зарур бўлади.

Тадқиқот иши давомида маъруза ва семинар машғулотларида фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда “Тушунчалар таҳлили”, “Т-схема”, “Берунийнинг ранг-баранг боғлар” каби интерфаол методлардан фойдаланилди. Мавзулар мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, Конфуций институти, Ҳадичаи Кубро аёл-қизлар ўрта махсус ислом билим юрти, Тошкент православ семинариясида кўчма дарслар ташкил этилди. Машғулот учун танланган педагогик шарт-шароит, яъни тарихий, маданий ва социал-психологик моҳиятидан келиб чиқиб танланган жой мавзу руҳи билан ўзаро уйғунлаштирилса, талаба-ёшларнинг машғулотга қизиқиши янада ортиши ва таълим самарадорлигига эришилиши илмий асосланди.

Талабаларда диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг педагогик жиҳатларини такомиллаштиришга оид моделни ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди (2-расмга қаранг).



2-расм. Диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг педагогик модели

Ёшларда динга оид соғлом дунёқарашни шакллантириш ҳамда ғоявий таҳдидларга қарши курашувчанлик имкониятларини кенгайтиришга қаратилган диншуносликка оид билимларни ривожлантириш моделининг амалий компоненти диний ва инсонпарвар кадриятлар тизимини ўзаро уйғун таркиб топтириш алгоритмининг (босқичлари, мазмуни, натижавийлиги) аудиториядан ташқари машғулотлар билан бевосита қайта алоқаси интенсивлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилди.


Тадқиқот иши давомида талабаларда диншуносликка оид билимларни эмоционал интеллект орқали ривожлантиришда фуқаролик, касбий ва ахлоқий ўзини ўзи англаш каби тарбия усуллари позитив интеграциялашув асосида такомиллаштириш самарали воситалардан бири эканлиги исботланди.

Таълимни ахборотлаштириш жараёни, биринчидан, илмий-педагогик маълумотлар базасидан фойдаланиш асосида таълим тизимини бошқариш механизмининг такомиллаштиришни; иккинчидан, замонавий ахборот жамиятида шахсни ривожлантириш мақсадларида таълим-тарбиянинг ташкилий шакллари ва методлари, мазмунини танлаш ва методологиясини такомиллаштиришни; учинчидан, талабани интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга, унда мустақил билим олиш малакасини шакллантиришга йўналтирилган ўқитишнинг методик тизимини яратишни; тўртинчидан, ўқувчилар билимининг назорат қилиш, баҳолашнинг диагностик методлари ва компьютер тестларидан фойдаланиш ҳамда уларни яратишни тезлаштиради. Таълимни ахборотлаштириш жараёни ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ўқитишнинг нафақат ташкилий шакллари ва методлари ўзгаришининг, балки ўқитишнинг янги методларининг шаклланишига олиб келади

Бугун шиддат билан ривожланаётган замонавий технологиялар жамиятга ўзининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий таъсирини ҳам кўрсатмоқда. Жумладан, интернет инсонларга фикр алмашиш, маълумотларни тез ва осон олиш, фойдалию зарарли хабарларни ҳеч бир монеликсиз тарқатишга имкониятлар очди. Таълимни ахборотлаштириш шароитида ёшларимиз интернет тармоқларидан фойдаланиш жараёнида етарли билим, кўникма ва малакаларга эга бўлмасликлари сабаб турли хил оқимлар таъсири остига тушиб қолаётганликлари ачинарли ҳолатдир.

Шу сабадан жаҳон интернет тармоғидаги манбаларга танқидий ёндашиш ва унинг фойдали ҳамда ғаразли маълумотларини таҳлилий идрок этиш учун ҳар бир талаба-ёшда дунёвий ва диний илмларнинг моҳиятини тушуна олиш даражасидаги мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш ғоят муҳимдир.

Тадқиқот давомида талаба-ёшларда таълимни ахборотлаштириш шароитида ахборот хавфсизлигини таъминлаш механизмининг ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди (3-расмга қаранг).



3-расм. Талаба-ёшларда таълимни ахборотлаштириш шароитида ахборот хавфсизлигини таъминлаш механизми

Ёшларнинг турли оқимларга кириб қолиши сабаблари қаторида уларнинг диний илмларни эгаллашга бўлган қизиқиш ва интилиши ҳамда ишонувчанлиги, бирданига ҳамма нарсага (бойлик, шон-шуҳрат, мартаба ва ҳ.к.) эга бўлишга ҳаракат қилиши, илмий тилда айтганда, максимализм каби маънавий-рухий омилларни алоҳида таъкидлаш лозим. Ўқитувчи бундай ҳолатда мана шундай бузғунчи таҳдидлар таъсирини йўқотувчи тренинг машғулоти, видеороликлар ва кўргазмали воситалардан самарали фойдаланиши лозим. Бундан ташқари, дин уламолари, олимлар, соҳа мутахассислари ҳамкорлигида бинар машғулоти, видео-конференция, коррекцияли таъсирга эга интенсив учрашувлар, йўналтирувчи манзилли суҳбатлар ташкил этиши ҳамда амалда мавжуд тажрибаларни оқилона қўллаш мақсадга мувофиқ.

Дин ниқоби остида интернет орқали ёшлар онгини заҳарлашга ҳаракат қилаётганларнинг “киберхужум механизми”га қарши ёш авлодни асраш учун “киберхимоя механизми”ни қуйидагича қўллаш мумкин: биринчидан, интернетда берилаётган маълумотларни “филтрлаш” (таҳлил) ёки ёшларда “таҳлил қила олиш” қобилиятини шакллантириш; иккинчидан, интернет маълумотларига ёки компьютерга қизиқувчи ёшларга доимий равишда салбий сайтлар ва уларнинг оқибатлари тўғрисида керакли кўрсатмалар бериб бориш; учинчидан, жойларда ота-оналар учун доимий равишда тушунтириш ишларини олиб бориш; тўртинчидан, олий таълим муассасаси педагог жамоаси, талабалар орасида интернет хужумларига қарши ҳамда интернет саводхонлиги бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкил қилиш лозимлиги илмий асосланди.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари талабаларида диншуносликка оид билимларни ривожлантириш самарадорлигини аниқлаш мезонлари”** деб номланган учинчи бобда тажриба –синов ишларининг мақсад-вазифалари ва ўтказиш тартиби, мазмуни, тажриба-синов ишларининг математик-статистик таҳлили баён этилган ҳамда самарадорлик даражаси асослаб берилган.

Тажриба-синов дастурида олий таълим муассасалари талабаларида диншуносликка оид билимлар ривожланганлигини ташхис этишнинг мезонлари, кўрсаткичлари (мотивация қилиш жараёни, когнитив, эмоционал, иродали, операционал-фаолиятли) ва уларнинг мазмуни аниқланди.

Тажриба-синов ишларини ташкил этиш учун Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти ҳамда Жиззах давлат педагогика институтлари танлаб олинди.

Педагогик тажриба-синов ишида ҳар бир олий таълим муассасаларининг 2-курсда таҳсил олувчи 2 та йўналиш талабалари танлаб олинди, уларнинг сони 333 нафарни ташкил этди. Уларнинг 165 нафари тажриба гуруҳ ва 168 нафари эса назорат гуруҳида иштирок этди. Респондентлардан анкета-сўровнома ва тест саволларига жавоблар олинди. Олинган натижалар Фишер мезони орқали таҳлил қилинди. Унга кўра, дастлабки натижалар барча олий таълим муассасаларининг танлаб олинган йўналишлари талабаларида

Ўзлаштириш кўрсаткичлари натижаларига кўра, билим даражалари бир хил эканлиги статистик усуллар орқали исботланди.

Танлаб олинган таълим йўналишларининг умумий ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳамда улардан олинган дастлабки тест натижалари таҳлили ва баҳолаш мезонлари ("5" баҳоли тизим асосида) ишлаб чиқилди. Ушбу баҳолаш мезонлари асосида тажриба натижаларини қайта ишлашда математик-статистика усулларидан фойдаланилди. Бунда статистик Стьюдент критерияси танлаб олинди. Олинган дастлабки натижалар қуйидаги кўринишда умумлаштирилди (1-жадвал).

1-жадвал

Дастлабки тажриба натижалари

Мезонлар	Тажриба гуруҳидаги талабалар сони	Назорат гуруҳидаги талабалар сони	Тажриба гуруҳи				Назорат гуруҳи			
			5	4	3	2	5	4	3	2
Мотивация қилиш жараёни	165	168	25	37	70	33	23	39	74	32
Когнитив	165	168	20	34	78	33	19	37	80	32
Эмоционал	165	168	17	30	79	39	17	33	83	35
Иродали	165	168	11	30	87	37	12	33	85	38
Операционал-фаолиятли	165	168	7	31	86	41	11	35	86	36

Дастлабки тест натижаларига кўра, тажриба ва назорат гуруҳларидаги билим даражаси бир хил, самарадорлик эса бирга тенг.

Тажриба-синов жараёнида олиб борилган методик ишлар ва турли замонавий технологиялар асосида ташкил этилган машғулотларнинг сўнгги натижалари қуйидаги жадвалда кўрсатилган (2-жадвал).


2-жадвал

Сўнгги тажриба натижалари

Мезонлар	Тажриба гуруҳидаги талабалар сони	Назорат гуруҳидаги талабалар сони	Тажриба гуруҳи				Назорат гуруҳи			
			5	4	3	2	5	4	3	2
Мотивация қилиш жараёни	165	168	46	64	47	8	24	40	81	23
Когнитив	165	168	41	70	39	15	20	37	80	31
Эмоционал	165	168	36	63	51	15	17	33	83	35
Иродали	165	168	25	63	59	18	12	33	85	38
Операционал-фаолиятли	165	168	31	62	53	19	11	38	91	26

Ҳисоб жадвалидаги натижаларга кўра, тажриба гуруҳидаги натижалар 1,15-1,17 баробарга юқорилиги ва $T > T_{\text{крит}}=1,97$ бўлгани учун H_0 гипотеза инкор этилиб, H_1 гипотеза қабул қилинади, яъни тажриба гуруҳидаги ўқитиш назорат гуруҳига нисбатан самарали эканлиги математик-статистик усуллар орқали 15% -17% га юқори бўлганлиги исботланди.

Тажриба боши ва охиридаги таҳлил натижаларини умумий ҳолда қуйидаги диаграммада ифодаланган:



4-расм. Олий таълим муассасалари талабаларида диншуносликка оид билимларнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш диаграммаси (тажриба боши ва охирида)

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳидаги самарадорлик назорат гуруҳидагидан юқори эканлиги асосланди.

ХУЛОСА

Олий таълим муассасалари талабаларида диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг педагогик жиҳатларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Бугунги кундаги юз бераётган глобаллашув ҳамда диннинг сиёсийлашуви жараёни, мамлакатни модернизация қилиш, фуқаролик

жамияти куриш шароитида олий таълим тизмида диний-маърифий соҳадаги фаолият самарадорлигини ошириш ва малакали кадрлар тайёрлашда диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг педагогик жиҳатларини такомиллаштириш ижтимоий-иқтисодий зарурият эканлиги асосланди.

2. Мустақилликка эришгандан кейинги даврдаги “Диншунослик” фани ўқув дастури, ўқув-адабиётлар ва таълим сифатини ўрганиш натижасида маълум бўлдики, дин ва “Диншунослик” фани тарихийлик асосида ўрганилган. Моҳиятга кўра, диншуносликни ўрганишда, ижтимоий гуманитар фанлар узвий(интеграцияси)лигида, диний ва дунёвийлик конвергенцияси асосида таълим бериш шахсда турли салбий воқеа ва ҳодисаларга нисбатан иммунитетнинг шаклланишида муҳим педагогик-психологик омил бўлиши назарий-илмий асосланди.

3. Диншуносликка оид билимларни ривожлантиришда замонавий педагогик технологиялар билан бирга халқ педагогикасининг дидактик имкониятлари ёшларга билим ва амалий кўникмалар беришда уларни ижодий ишлаш услублари билан қуроллантириш, дунёқарашини ўстириш, ахлоқий нафосат ғояларини эгаллашларида қўлланган эмпирик тажриба замонавий таълим жараёни сифатини оширади, деган хулосага келинди.

4. Талабаларда динга оид соғлом дунёқарашни шакллантириш ҳамда ғоявий таҳдидларга қарши курашувчанлик имкониятларини кенгайтиришга асосланган диншуносликка оид билимларни ривожлантириш моделининг амалий компоненти диний ва инсонпарвар кадриятлар тизимини ўзаро уйғун таркиб топтириш алгоритмининг (босқичлари, мазмуни, натижавийлиги) аудиториядан ташқари машғулотлар билан бевосита қайта алоқаси интенсивлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилди.

5. Тадқиқот жараёнида ўқитишнинг анъанавий ва ноанъанавий ҳамда педагогик технологияларга асосланган шакл, метод ва воситалари ишлаб чиқилиб, улар маъруза ва семинар машғулотлари, аудиториядан ташқари машғулотлар, маънавий-тарбиявий тадбирларда қўлланилганлиги натижасида таълим самарадорлигига ва кўзланган мақсадга эришилди.

6. Таълимни ахборотлаштириш шароитида ёшларимиз интернет тармоқларидан фойдаланиш жараёнида етарли билим, кўникма ва малакаларга эга бўлмасликлари сабаб турли хил оқимлар таъсири остига тушиб қолаётганликлари ачинарли ҳолатдир. Тадқиқот давомида талаба-ёшларда таълимни ахборотлаштириш шароитида ахборот хавфсизлигини таъминлаш механизминини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди.

7. Талабаларда диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг хусусий ва ташкилий методик компонентлари эмоционал интеллектни таркиб топтиришда фуқаролик, касбий ва ахлоқий ўз-ўзини англаш каби тарбия усулларининг ўзаро интеграциясини таъминлаш таълим самарадорлигига эришишда муҳим аҳамият касб этиши аниқланди.

8. Талабаларда диншуносликка оид билимларни ривожлантиришга доир “Абу Райхон Берунийнинг ранг-баранг боғлар” интерфаол методи

ишлаб чиқилиши ва унинг амалиётга жорий этилиши кафолатланган натижага эга эканлигини исботлади.

9. Тажриба-синов ишлари муайян тартибда ва дастур асосида ташкил этилди. Тажриба-синов дастурида олий таълим муассасалари талабаларида диншуносликка оид билимлар ривожланганлигини ташхис этишнинг мезонлари, кўрсаткичлари (мотивация қилиш жараёни, когнитив, эмоционал, иродали, операционал-фаолиятли) ва уларнинг мазмуни аниқланди. Тажриба-синов жараёнида олиб борилган методик ишлар ва турли замонавий технологиялар асосида ташкил этилган машғулотлар натижасида тажриба гуруҳидаги ўқитиш назорат гуруҳига нисбатан самарали эканлиги математик-статистик усуллар орқали 15% -17% га юқори бўлганлиги исботланди.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

1. Талабаларда диншуносликка оид билимларни ривожлантиришда халқ педагогикасининг дидактик имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда олий таълим муассасаларида ота-оналар университетлари, бувижонлар мактаби, жамоатчилик назорати Кенгашлари билан ҳамкорликда вертикал педагогика тамойиллари асосида семинар тренинг, коуч тренингларни амалда фаоллаштириш.

2. “Оила–олий таълим муассасалари–диний ташкилотлар” ҳамкорлиги орқали катта авлод вакиллари, педагог, диний соҳа мутахассислари ҳаётий тажрибаси ҳамда интеллектуал салоҳиятидан фойдаланиш жараёнини педагогик лойиҳалаш асосида талабаларнинг диншуносликка оид билимларини ривожлантириш;

3. Шарқ мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий тарбия шакллари ва услублари ҳақидаги фикрларига асосланиб, фаннинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда диншуносликка оид билимларни ривожлантиришга хизмат қиладиган янги замонавий педагогик технологиялар ишлаб чиқиш ва таълим-тарбия амалиётида қўллаш.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, диний ташкилотлар билан ҳамкорликда барча олий таълим муассасаларида ўқитилаётган “Диншунослик” фани мазмунига “Ислом маърифати ва бунёдкорлик”, “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзуларини сингдириш ва жойларда (Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, зиёратгоҳлар, конфессиялар) амалда кўчма, сайёр, бинар (диний соҳа мутахассислари ва педагоглар иштирокида) дарсларни ташкил этишни жорий қилиш.

**РАЗОВЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ МЕЖДУНАРОДНОЙ ИСЛАМСКОЙ АКАДЕМИИ
УЗБЕКИСТАНА
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

МАДАМИНОВА НАРГИЗА ЗУХРИДИНОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ АСПЕКТОВ
РАЗВИТИЯ ЗНАНИЙ ПО РЕЛИГИОВЕДЕНИЮ У СТУДЕНТОВ
ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.1.PhD/Ped302

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.iiiau.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz)

Научный руководитель:

Каххарова Матлюба Манофовна
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Акрамова Шахноза Аббаровна
доктор педагогических наук, доцент

Йулдашхажаяев Хайдархан Хашимханович
доктор исторических наук, доцент

Ведущая организация:

Андижанский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 года, в ____ часов на заседании Разового Научного совета DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 при Международной исламской академии Узбекистана. (Адрес: 100011, город Ташкент, Шайхантахурский район, улица Абдуллы Кадири, 11-дом Тел.: (99871) 244-00-56; факс: (99871) 244-00-65; e-mail: info@iiiau.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Международной исламской академии Узбекистана (зарегистрирована за №__). Адрес: 100011, город Ташкент, улица Абдуллы Кадири, дом №11. Тел.: (99871) 244-00-56; факс: (99871) 244-00-65; e-mail: info@iiiau.uz).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.

(протокол реестра рассылки №__ от «__» _____ 2020 года)

Ш.А.Ёвкочев

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

Д.А.Рахимджанов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.и.н., доцент

З.М.Исламов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.фил.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии ((PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В процессе современной мировой глобализации и политизации религии для повышения эффективности деятельности в религиозно-просветительной сфере и подготовки квалифицированных кадров в образовательный процесс внедрены принципы развития религиозных знаний. Для решения этого вопроса на пленарном заседании Генеральной Ассамблеи ООН 12 декабря 2018 года была принята важная резолюция – “Просвещение и религиозная толерантность”.⁷ На основе данной резолюции проводится системная деятельность по обеспечению мира и безопасности путем развития в мире образования, науки и культуры, внедрению на практике крупных проектов по глубокому освоению религиозных знаний, умений и навыков будущими специалистами в системе современного образования средствами инновационных педагогических технологий.

В престижных высших учебных заведениях мира проводятся исследования, направленные на совершенствование исторических, социальных, философских и психологических аспектов развития религиозных знаний. В частности, особое значение имеют исследования в области религии и исламоведения в МГУ, Оксфордском, Гарвардском, Лейбцигском и Гёте-университетах в совершенствовании педагогических сторон направления, на основе международных опытов в формировании религиозного и светского мировоззрения, отдельное внимание уделяется системной работе по научному решению процесса совершенствования педагогических компонентов развития знаний по религиоведению.

В стране создана нормативно-правовая база для совершенствования деятельности в религиозно-просветительской сфере, развития знаний по религиоведению на основе передовых педагогических технологий, расширения материально-технической базы. Было намечено: “воспитание патриотической и преданной молодежи с высокой духовностью, твердой жизненной позицией, широким мировоззрением; защита молодежи от влияния чуждых идей, воспитание их в духе преданности к национальным и общечеловеческим ценностям, религиозной толерантности и межнационального согласия” как основная задача в системе мер, направленные на повышение нравственного и физического развития молодежи, вывод системы образования на качественно новый уровень.⁸ Это усиливает необходимость в социально-педагогических исследованиях развития религиозных знаний, формирования здорового мышления о религии у молодежи, совершенствования его дидактического, аксиологического и акмеологического содержания.

⁷ Resolution adopted by the General Assembly on 12 December 2018.
<http://undocs.org/pdf?symbol=en/A/RES/73/128>

⁸ Постановление Президента Республики Узбекистан от 14 августа 2018 года №ПП-3907 “О мерах по поднятию на качественно новый уровень системы духовно-нравственного и физически гармоничного воспитания молодежи, ее обучения и воспитания”. www.lex.uz

